2015 ЙИЛ 8 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (12.930)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ислом Исмоилов олган сурат

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

СОҒЛОМ ФИКР — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК АСОСИ

Пойтахтимиздаги Болалар санъат ва ижод марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида ўтказилган акцияда бу эзгу мақсадлар яққол намоён бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими, Ўзбекистон экстремал ва тоғ туризми федерацияси ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган акцияда ёшлар спорт, санъат борасида ўз истеъдодларини намойиш этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун барча имконият яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол йигит-қизларни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда соғлом ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ёш авлодни маънавий таҳдидлардан, «оммавий маданият», кашандалик, ичкиликбозлик ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда. Хусусан, юртимизда балоғат ёшидаги ўғил-қизларнинг бўйи ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига асосан 92 фоиз болалар ривожланиш кўрсаткичлари бўйича меъёрида ўсиб-улғаяётгани бунинг ёрқин исботидир.

Бу каби оммавий тадбирлар ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, миллий қадриятларимизга ҳурматини мустаҳкамлаш, ўзи ва атрофидагилар саломатлигини таъминлаш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасидаги билимларини мустаҳкамлайди.

– Юртимизда барча соҳаларда фаол ва баркамол авлод етук мутахассис бўлиб, ўз ўрнини эгалламоқда, – дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши бўлим бошлиғи Қаҳрамон Мавлонов. – Уларнинг салоҳиятини юксалтириши, истеъдодини намоён этиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайиши учун давлатимиз томонидан барча имконият яратилмоқда. Ушбу акцияда ҳам етти ёшдан қирқ ёшгача бўлган юртдошларимиз фаол иштирок этди.

Акция доирасида спортнинг қатор турлари бўйича «Тошкент – 2015» ёшлар мусобақаси ва «Ёшлар гиёҳвандликка қарши, соғлом ҳаёт тарафдори» тадбирлари бўлиб ўтди. Фаол иштирок этган ёшлар рағбатлантирилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎзА мухбири

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Хабар қилинганидек, пойтахтимизда 5 июнь куни Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлигига бағишланган симпозиум бўлиб ўтди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ваколатхонасининг мамлакатимизда иш бошлаганига 20 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, сайёҳлик, божхона, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Чве Сонг Хо ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқди. Мазкур ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид 60 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт каби соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштирмоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби йўналишлардаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларни мустаҳкамламоқда.

Бунда Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг алоҳида ўрни бор. Замонавий асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, Жанубий кореялик мутахассисларни юртимизга жалб этиш ушбу агентлик билан биргаликда амалга оширилаётган ишларнинг асосий йўналишларидир. Йигирма йил мобайнида соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалиги, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда қарийб 78,95 миллион АҚШ доллари миқдорида 24 лойиҳа бажарилди.

Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунар таълими маркази ушбу ҳамкорлик самараларидан бири. Бу ерда туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмалари бўйича ҳар йили етти юзга яқин йигит-қиз бепул ўқитилмоқда. Машинасозлик, электроника ва электротехника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот тизимлари ҳамда технологиялари каби муҳим йўналишларда кадрлар қайта тайёрланмоқда.

Шу йилнинг 11 март куни Самарқанд шаҳрида яна бир шундай марказнинг қурилиши бошланди. Агентлик билан ҳамкорликда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона, энг юқори технологиялар асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази барпо этилмоқда.

Айни кунда Агентликнинг қарийб етмиш нафар кўнгиллиси юртимизда фаолият юритмоқда. Ҳар йили юзга яқин юртдошимизнинг Жанубий Кореяда малака ошириши ташкил этилмоқда.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2015-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион доллар бўлган грантларни жалб этиш орқали 11 лойиҳани амалга оширишни назарда тутган. Тошкент аэропортини модернизация қилиш ва янги халқаро терминал барпо этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, қуриладиган IV даражали замонавий кўп тармоқли клиникалар учун юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва тиббиёт ускуналарига хизмат кўрсатиш марказларини, Хоразм ва Фарғона вилоятларида техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали Тошкент ахборот технологиялари университетини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

– Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик муттасил ривожланиб бораётир, – деди ЎзА мухбирига Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Чве Сонг Хо. – Биз Ўзбекистон билан кўплаб жабҳалар, айниқса, инсон ресурсларини ривожлантириш, хусусан, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш ва тиббиёт ходимлари малакасини ошириш йўналишларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Боиси малакали мутахассислар Ўзбекистонни янада тараққий эттириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омиллардандир.

Симпозиумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар ривожи, хусусан, мамлакатимиз билан Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ўртасидаги ҳамкорлик, биргаликда соғлиқни сақлаш, электрон ҳукумат, таълим, қишлоқ хўжалиги каби қатор соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ҳақида сўз юритилди. Ўзаро манфаатли ва истиқболли алоқаларни янада ривожлантириш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ — САМАРАЛИ ТИЗИМ

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кўп ўтмай иқтисодий мустақилликни қўлга киритди. Юртимизда халқаро бизнес тартиб-тамойиллари, янги атамалар пайдо бўлди.

Тошкентлик Аббос Гамзаев бир неча йил аввал «Uztex Toshkent» қўшма корхонасида маркетинг бўйича менежер сифатида иш бошлаганида танишлари ҳайрон бўлганди. Бу қандай касблигини, унинг вазифалари нималардан иборат эканини сўрашди.

А.Гамзаев менежерлик лавозими ўнлаб йўналишларга бўлинишини, ҳар бир корхона ўз ихтисослиги ва талабларидан келиб чиқиб унинг вазифаларини белгилаб олишини, маркетинг бўйича менежер истеъмолчиларни ўрганиш ва истиқболли бозорни танлаш билан шуғулланишини тушунтириб, хуноб бўлганди.

Бугун бу каби атамаларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Мамлакатимиз ривожлангани сари замонавий соҳалар ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда. Одамларнинг онгу тушунчаси ўзгариб бораётир. Иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларга мос равишда лавозимлар номенклатураси ҳам янгиланиб бормоқда. Эски даврга хос, ўз умрини ўтаб бўлган лавозимлар ўрнига янгилари пайдо бўлмоқда. Тижорат директори, молия директори, мижозлар билан ишлаш ва харидлар бўйича лойиҳа менежери, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича менежер, бренд-менежер, экаунт-менежер, брокер, рекрутер, промоутер, аквизитор, импресарио, мерчендайзер, медиа-байер, online-муҳаррир, online-сотувчи каби янги мутахассисликлар оммалашмоқда.

«Uztex» компаниялари гуруҳидаги «Uztex Toshkent», «Eurotex», «Uztex Chirchiq», «Uztex Shovot» каби корхоналарда ҳам замонавий лавозимлар, корпоратив бошқарув усуллари жорий этилган. Бу ишни самарали ташкил этиш, тартиб-интизомни таъминлаш ва компанияни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Натижада ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми изчил ўсаётир.

Мамлакатимизда бундай компаниялар сафи кенгайиб бормоқда. Чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий услубларига асосланган корхоналар ҳар томонлама ривожланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мулкчиликнинг мазкур шакли аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу мақсад йўлидаги муҳим қадам бўлди. Фармонга мувофиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ушбу ҳужжатда давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари таркибини корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари ва тамойиллари, менежмент ва маркетингни, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида қўллай билиши бўйича аттестациядан ўтказиш ва унинг якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чораларини кўриш белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Жанубий Кореянинг Кангвон университети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалигида ҳудудий инновацион тизимлар мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

● Нукусда Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. «Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман» шиори остида ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 15 нафар йигит-қиз Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этди.

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Бухоро давлат университети томонидан Орол денгизи минтақасида юзага келган экологик офатнинг атроф-муҳитга таъсири ва уни бартараф этиш масаласига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

● Наманганда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус билим юртлари ўртасида «Биз – ёшлар ёт ғояларга қаршимиз!» шиори остида интеллектуал танлов бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, диний қадриятларимиз ва юртимиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни тиклаш, ободонлаштириш борасидаги ишлар, уларнинг самаралари таъкидланди.

● Самарқандда «Оммавий ахборот воситалари – жамият кўзгуси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбарлари, фуқаролик жамияти институти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

ЖАҲОНДА

● Италия полицияси коррупцияда гумон қилинаётган қирқ тўрт кишини ҳибсга олди. Уларнинг орасида сиёсатчилар ва бизнесменлар бор.

● Гана пойтахти Аккра шаҳрида автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида рўй берган портлаш натижасида юздан ортиқ киши ҳалок бўлди. Гап шундаки, маҳаллий аҳоли кучли жала қуйиши натижасида юзага келган сув тошқинларидан панада бўлиш учун ушбу шохобчага келган эди.

● Халқаро футбол федерацияси ФИФАнинг юқори мартабали ходимларидан бири Чак Блейзер 1998 ва 2010 йилдаги футбол бўйича жаҳон чемпионатларини ўтказувчи ташкилотчи мамлакатларни танлаш жараёнида пора олганлигини бўйнига олди.

СУҒУРТАЧИЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

Пойтахтимизда Суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича VIII Тошкент халқаро форуми бўлиб ўтди.

Отабек Мирсоатов олган сурат

«Saipro» ахборот-рейтинг агентлиги томонидан Бош Араб суғурта федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро молия институтлари, суғурта, лизинг, аудиторлик ва инвестиция компаниялари, рейтинг агентликлари, вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотларининг 200 нафардан ортиқ вакили иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуратов, молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Юсупов, Бош Араб суғурта федерацияси департаменти директори Мағдий Фарғал Муҳаммад, «Saipro» ахборот-рейтинг агентлиги бош директори Р.Жўраев ва бошқалар Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида Ўзбекистон иқтисодиётида босқичма-босқич амалга оширилаётган таркибий туб ўзгаришлар ўзининг салмоқли натижаларини бераётганини таъкидлади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит самарасида аксарият давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Суғурталаш соҳасида ҳам барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияси кузатилаётир. Қонунчилик базасининг такомиллаштирилиб, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратилаётгани, инвестициялар ҳажми ошаётгани ва аҳоли фаровонлигининг юксалаётгани мамлакатимиз суғурта бозорини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун мамлакатимизда ўттиздан ортиқ суғурта компанияси фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий капитали 870 миллиард сўмдан ошади. 2014 йилда мамлакатимиз суғуртачилари томонидан умумий қиймати 440 миллиард сўмдан зиёд суғурта мукофотлари йиғилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу кўрсаткич 134,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Жадал ривожланаётган суғурта бозорида саккиз йилдан буён барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётир.

— Ўзбекистонда аҳоли ўртасида суғуртани тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди ЎзА мухбирига «Скала Страховой Брокер» компанияси бош директори Александр Цикало (Россия). — Бу суғурта бизнесини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Давлатнинг ушбу жараёнда иштирок этаётгани амалга оширилаётган ишлар самарадорлигининг бош омилидир. Ўзбекистон суғурта бозори улкан салоҳиятга эга ва компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилган.

Форум иштирокчилари мамлакатимиз иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий, «Жиззах» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналаридаги имтиёз ва преференциялар, хорижий давлатларнинг мамлакатимизда муваффақиятли иш юритаётган компаниялари фаолияти билан атрофлича таништирилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда барча соҳалар қатори банк-молия йўналишида ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришилаётганини қайд этди. Сўнгги йилларда «Moody's», «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб тасдиқламоқда.

Форум дастуридан мамлакатимиз ва ўнлаб хорижий давлатларнинг етакчи суғурта компаниялари вакилларининг маъруза ва тақдимотлари ўрин олган. Уларда миллий ва халқаро суғурта бозорларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг сармоявий имкониятлари кўриб чиқилади.

— Ўзбекистон Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди Иордания Суғурта федерацияси кенгаши аъзоси, «Medgulf» суғурта компанияси бош менежери Абдул Жавод Аъло Азиз. — Ўзбекистонлик шериклар таклифи бўйича мамлакатингиз суғурта бозорини ўрганмоқдамиз. Ушбу соҳани барқарор ривожлантириш натижасида самарали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилади. Ўзбекистон суғуртачилари билан шериклик алоқаларини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Форум мамлакатимиз ва хорижий суғурталаш ҳамда қайта суғурталаш бозорининг етакчи иштирокчилари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга ёрдам беради.

Бобур ОБИДОВ

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ — САМАРАЛИ ТИЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Корпоратив бошқарув акциядорлар, менежерлар, кредиторлар, ҳамкорлар, мижозлар, ходимлар каби компания фаолиятига алоқадор барча шахсларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда бошқариладиган тизимдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази бош директори Исмат Нусуров. – Улар компанияга тегишли қарорлар қабул қилиш ва компанияни бошқаришда иштирок этади. Корпоратив бошқарув тизими ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун керакли маблағларни жалб қилиш, рентабеллик даражасини оширишда муҳим ўрин тутади. Президентимиз фармони ушбу тизимни халқаро тажриба асосида такомиллаштириш, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишга хизмат қилади.

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш давлат мулкини акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштириш билан ҳам боғликдир. Бундай ишлар натижасида юртимизда мингдан зиёд акциядорлик жамияти ташкил этилган. Бир миллиондан ортиқ фуқаро уларнинг акцияларига эга. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсишига муносиб ҳисса қўшаётган йирик корхоналар акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётгани ҳам корпоратив бошқарув соҳасини ривожлантириш улкан аҳамият касб этишидан далолатдир.

Вена молиявий ҳисобдорлик тизимини ислоҳ қилиш маркази раҳбари Анри Фортиннинг айтишича, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш дунёнинг аксарият давлатларида долзарб вазифадир. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича пухта ўйланган стратегиянинг амалга оширилаётгани ва менежерларнинг чуқур билимга эга экани ушбу жараён муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усуллари асосида ташкил этилган корхоналар кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда тўксондан ортиқ давлат инвесторлари иштирокида тузилган тўрт мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу компаниялар Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам яхши маълум. Ўзбекистон ҳудудида корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган, дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan», «Sam Auto», «JV MAN Auto – Uzbekistan», «General Motors Powertrain Uzbekistan» сингари кўплаб корхоналар шулар жумласидандир.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг маълумотларига кўра, бугунги кунда автомобилсозлик саноатига ихтисослашган бундай компанияларда 23 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бошқарувнинг турли йўналишларига ихтисослашиб иш юритаётган, ўз вазифасини пухта бажараётган малакали мутахассислар фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлигининг янада ошишига, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси низомининг IV моддасига мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар доирасида жамғарманинг Ўзбекистон Республикасидаги миссиясига оид ҳисоботида мамлакатимизда давлат мулки бўлган 1500 дан зиёд объектни корпоратив бошқаришни мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарори ижобий баҳоланган. Ташкилот мутахассислари 2015 йилда иқтисодий ўсиш кутилганидек юқори бўлишини таъкидлаб, бунга Ўзбекистонда яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, шунингдек, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш имконини берадиган хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилишини қайд этган.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини кенг жорий этиш мақсадида турли халқаро анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Бу йўналишда малакали бошқарувчи мутахассислар билан фикр ва тажриба алмашилмоқда.

Жанубий Корея фонд биржаси ва «Korea Investment and securities» компанияси экспертлари ҳам Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга қизиқиш билан қарамоқда. Жанубий Корея фонд биржаси департаменти бошлиғи Стив Дайчун Ким мамлакатимиз ушбу йўналишда йил сайин ривожланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши кенгайтирилган, акциядорлик компанияларини таъсис этиш, жамиятлар акцияларини оммавий таклиф этиш орқали жойлаштиришга тааллуқли нормалар мустаҳкамланган.

Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасида мамлакатимизда замонавий корпоратив бошқарув усуллари янада кенг жорий этилмоқда. Бу ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Пировардида корхоналаримиз барқарор ривожланади, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унга тегишли шарт-шароитлар, қулайликлар яратиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда.

Эндиликда электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар, шунингдек, электрон шаклда қайд этилган, юборувчисини идентификация қилиш имкониятини берадиган ахборот ўз кўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилади ва улардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти пайдо бўлиб, 2015 йил 22 майда унинг янги таҳрири тасдиқланди. Натижада, эски Қонун 14 та моддадан иборат бўлган бўлса, эндиликда у 20 та моддадан ташкил топган.

Қонунда «электрон тижорат «тушунчаси берилган бўлиб, у «ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси» деб аталган (3-модда). Янгиликлардан бири шундаки, электрон тижоратнинг фақат шартномага асосланиши қоида этиб белгиланди.

Шунингдек, Қонунга бир қатор янги моддалар киритилган бўлиб, улар электрон тижоратнинг асосий принциплари (4-модда), электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати (5-модда), электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш (6-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электрон тижорат соҳасидаги ваколатлари (7-модда), махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари (8-модда), электрон тижоратдаги электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг юридик кучи (9-модда)га бағишланган.

Электрон тижоратнинг асосий принциплари қаторидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, шартномаларни тузиш ихтиёрийлиги, шарт-шароитларнинг теңглиги, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши каби тамойилларнинг ўрин олганлиги, бу соҳага берилган алоҳида эътибор намунасидир.

Қонунда кўзда тутилган махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари шундан иборатки, у мазкур соҳада давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади. Турли манфаатдор давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ушбу соҳада стандартлар, нормалар, қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради. Ушбу соҳада тадқиқотлар ва мониторинг ўтказади.

Қонуннинг 10-моддасида, асосан электрон тижорат иштирокчилари кўрсатиб ўтилган. Яъни, электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчисидир. Бу моддага аниқлик киритилган бўлиб, эндиликда электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи бўлиб фақат юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Янгиликларнинг яна бири шундан иборатки, Қонуннинг 11-моддасида электрон тижорат иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Яъни, бундай иштирокчи электрон тижорат мақсадида ишлаб турган ахборот ресурсларидан офертани жойлаштириш (таклиф этиш), шартнома тузиш йўли билан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ёки олиш, электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларни ахборот воситачиларига сақлаш учун топшириш ҳуқуқларига эгадир.

Электрон тижорат иштирокчиси — сотувчи эса товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда рақобат ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларга риоя этиши, электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг сақланишини таъминлаши, бу соҳадаги стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Қонуннинг 12-моддаси «ахборот воситачиси»га бағишланган бўлиб, у электрон ҳужжатлар ва хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс (телекоммуникация тармоқлари, банклар ва бошқалар)дир.

Электрон тижоратда шартнома тузиш ва уни бажариш муҳим аҳамият касб этади. Энг аввало, шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак. Шартномани бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар электрон шаклда ёки қоғозда расмийлаштирилиши мумкин (15-модда).

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, электрон тижорат борасида қонунчиликка киритилган янгиликлар тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратади. Тадбиркорлик субъектларига иш юритишлари учун қулайликлар яратиш билан бирга, уларни ҳуқуқий-иқтисодий ва бошқа зарур ахборотлар билан таъминлаш имконини беради.

Наргиза СУЛТАНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси
Қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими прокурори,
1-даражали юрист

Пойтахтимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЭКСПОРТ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Бугунги кунда мамлакатимизда сифатли, рақобатбардош, экспорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Бу эса юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тадбиркорлар ва ишбилармонларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар натижасида бу соҳа юксалиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи ва иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келишининг ўзи бу йўналишнинг нечоғлик тараққий этаётганини исботлайди.

Юртимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар дунёнинг кўпгина мамлакатларига экспорт қилинаётир. Тадбиркорларимизнинг ташқи ҳамкорлар билан алоқаларини йўлга қўйиш, уларнинг турли халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши, фойдали битим ва келишувларга эришиши ҳамда халқаро лицензия ва сертификатлар олишида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг январь-апрель ойларида жамғарма томонидан мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. 360 нафар тадбиркор умумий қиймати 306,5 миллион долларга тенг маҳсулот ва хизматларини экспорт қилди. Ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 500 та кўп корхона жамғарма хизматларидан фойдаланган. Бунинг натижасида жамғарма кўмагида амалга оширилган экспортлар ҳажми 9 фоизга ўсди.

Анжуманда таъкидланишича, кўплаб тадбиркорларимиз халқаро хорижий кўргазма, ярмарка ва анжуманларда иштирок этиб, фойдали битим ва келишувларга эришмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг январь ойида элликдан ортиқ тадбиркорларимиз Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Яшил ҳафта–2015» халқаро кўргазмасида қатнашиб, 100 дан зиёд турдаги маҳсулотларини намойиш қилишди. Кўргазма давомида Франциянинг Chocolate de Beussent-Lachelle, Германиянинг Younus Trading ва W.Schumacher&Co GMBH каби нуфузли корхоналари томонидан музокаралар ўтказилди ва умумий қиймати беш миллион долларга тенг экспорт шартномаларини тузиш режалаштирилди.

2015 йил якунига қадар жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўлами кенгайтирилиб, бир миллиард АҚШ долларидан ортиқ экспорт ҳажмига эришиш кўзда тутилмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ

БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда «Болажонлар – ширинтойлар» болалар мода фестивали бўлиб ўтди. Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган, замонавий тенденция ва миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этган ранг-баранг ва бежирим либослар коллекцияси кенг омма эътиборига ҳавола этилди.

Фестиваль «Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан «Oltin Qanot» нодавлат таълим муассасаси ва «Jasmin art style» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси раиси Холида Комилованинг таъкидлашича, кийиниш маданияти ёш авлодни эстетик тарбиялашнинг бир қисми ҳисобланади. Ушбу фестиваль болалар учун мўлжалланган либослар қандай бўлиши, улар нимани афзал кўриши, ота-оналарнинг бу борадаги фикрлари ва дизайнерларнинг тавсияларини аниқлашга қаратилган. Тадбирда болалар учун маҳаллий матолардан экологик тоза либослар яратиш ғояси илгари сурилган бўлиб, дизайнер ва модельерларга тажриба ҳамда фикр алмашиш имконини бермоқда.

Жорий йилда «Болажонлар – ширинтойлар» болалар мода фестивали дизайнерларнинг уч босқичли танлови шаклида ташкил этилди. Унда профессионал дизайнерлар билан бирга, олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ўқувчилари, шунингдек, алоҳида фаолият юритаётган дизайнерлар қатнашди.

Танловнинг биринчи босқичида ҳар бир иштирокчи ўз коллекцияси намуналарини намойиш қилди. Энг яхши намуналар муаллифлари иккинчи босқичга йўл олиб, ўз либосларини тақдим этди. Учинчи, финал босқичида 27 дизайнер томонидан тайёрланган 22 коллекция намойиш этилди.

Либослар намойиши Ёшлар

Темур Мамадаминов олган сурат

ижод саройида бўлиб ўтди. «Тантана» ва «Томоша» болалар ижодий студияларининг ёш моделлари, шунингдек, «Колибри» арт-бюроси мода мактаби тарбияланувчилари турфа рангдаги бежирим ва нафис либосларни намойиш қилди.

Ҳакамлар ҳайъати ижодий ишларни «pret-a-porter», миллий ва спорт услуби, байрам либоси, бўлғуси оналар учун либос номинациялари бўйича баҳолади.

Тадбир якунида фестиваль лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Дизайнер Дилором Валиева «pret-a-porter», Нилуфар Абдувалиева ва Ситора Мирзаанварова миллий ва спорт услуби, Умида Мўминова байрам либоси, Шаҳзода Толипова бўлғуси оналар учун либос номинациясида ғолиб бўлди.

– Менинг коллекциям турли ёшдаги болаларга мўлжалланган либослардан иборат, – дейди ЎзА мухбирига Н.Абдувалиева. – Уни яратишда турли матолар, шунингдек, миллий нақшлардан фойдаландим. Миллий матоларимиз ва анъанавий либосларимиз менга жуда ёқади. Шу боис менда либосни моделлаштиришга қизиқиш уйғонди ва халқимизнинг бой маданий меросига ўз ҳиссамни қўшишга аҳд қилдим.

«Болажонлар – ширинтойлар» болалар мода фестивали ёш модель ва модельерлар ўртасида янги номларни кашф этди, болалар либослари яратувчилари ва ишлаб чиқарувчилари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, болалар модасини ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Мехрибон МАМЕТОВА

Пойтахтимизда корхона ва ташкилотларда тузилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ЎҚУВИ

Тадбирда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларни эзгу ғоялар атрофида бирлаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётгани таъкидланди.

Бошланғич ташкилот етакчиларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги қатор давлат муассасалари, идора, ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

Семинарда бошланғич ташкилотлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови, ҳужжатларни юритиш бўйича йўл-йўриқлар, ёз мавсумида «Камолот» томонидан амалга ошириладиган ишлар режаси тўғрисида маълумотлар берилди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда бошланғич ташкилотларга бўлган эътиборни янада ошириш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш йили» деб эълон қилиниб, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилот етакчилари учун ҳар ойда ўқув-семинарлар ўтказилиши белгиланган.

Ўқув-семинар давомида «Етакчи ўқув маркази» мутахассисларининг маърузалари тингланди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Ёз — 2015

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

